

Москва ва Бутун Рус патриархи КИРИЛЛнинг архипастирлар, пастирлар, диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг барча содик фарзандларига

Рождество хабарномаси

Яратганнинг севикли архипастирлари, ҳақиқатгўй пресвитер ва диаконлари, художўй роҳиб ва роҳибалар, азиз биродарлар ва опасингиллар!

Барчангизни Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масихнинг нурли туғилган куни билан чин юракдан қутлаб, Рождество муносабати билан сизларга қадимий черков мадҳияларининг ушбу сўзларини йўллайман: *«Масих туғилди — Унга ҳамд айтинг! Масих осмондан тушди — Уни қарши олинг! Масих ерга тушди — Уни улуғланг!»* (Рождество канони 1-қўшиғидан ирмос).

Ҳаворий Павел ушбу воқеани *тақводорликнинг улуғ сири* деб атаган (1 Тим. 3:16). Бу сир олдида ҳар қандай ер юзидаги ақл ва фалсафа титраб жим бўлади. Унинг олдида беқарор инсоний билим сояланади. У энг дағал ва тошдай қотган қалбни эритиб, юмшатишга қодир. Бу дунёнинг шафқатсизлиги ва адоватининг ўртасида Бизга ҳақиқий тинчлик ва ҳақиқий бахт ато қила оладиган, ҳар қандай парокандаликка шифо бўла оладиган Ягона Зот туғилади.

Инсон ҳаётига гуноҳ кириб келганидан буён ер юзида фожеавий тарқоқлик ҳукм сурди — ва Яратгучидан, ҳақиқий Нур Манбаидан узоқлашган олам муқаррар равишда зулмат ва тартибсизликка ботиб борди. Аммо Худо Ўз махлуқотини ташлаб қўймади ва уни марҳаматисиз қолдирмади. Бизга нажот йўлини тайёрлар экан, Раббимиз и, ерднсон қиёфасида ҳаётимизга кириб келди ва бизлардан биримизга айланди. Худо Ўғли Инсон Ўғли бўлди, гуноҳдан бошқа барча жиҳатларда бизга ўхшаш бўлди.

Бир вақтлар Жаннат боғида “Одам Ато, қаердасан?” деган изтиробли савол янграган эди; у саволнинг жавоби ниҳоят Байт-Лаҳм яқинидаги ғариб ғорда топилди. *“Биринчи одамнинг танаси моддий жисмдир, у тупроқдан яратилган, иккинчи Одам, яъни Масих эса самовийдир”* (1 Кор. 15:47), деб ёзган эди Ҳаворий Павел. *Масих орқали дунёни Ўзи билан яраштирди* (2 Кор. 5:19), инсон табиатини янгилади, уни гуноҳ яраларидан поклади.

Инсон ва бутун олам ҳаёти фақатгина Худода шифо топади — бугунги байрам гувоҳлик бераётган оддий, бироқ жуда муҳим ҳақиқат мана шудир. Мазкур ўринда мутлақ Яратувчининг ҳикматини муқаддас билиб мадҳ этган муборақ Августиннинг илҳомли сўзларини ёдга олмасликнинг иложи йўқ! *«Сен бизни Ўзинг учун яратдинг, ва қалбимиз Сенда ором топмагунча тинчлик билмайди»* (Тавба). Фақат Исо Масих орқали инсон Худо билан бирликка эришади ва олам яратилган пайтданоқ абадийликка чақирилган инсон ҳаётининг ҳақиқий маъноси кашф этилади.

Нажоткорнинг дунёга келиши — аввало, инсонларга бўлган Илоҳий муҳаббат ҳақидаги ваҳийдир: *бу севги ҳар нарсани кўтарадиган, ҳеч қачон*

ишончини йўқотмайдиган, ҳар қандай шароитда умид сақлайдиган, ҳар нарсага тоқат қиладиган севгидир (1 Кор. 13:7).

Бизни яратган Зотнинг улуғ муҳаббатига қай тарзда муносиб жавоб беришимиз ва Унга яқинлашишимиз мумкин? Бу яқинлик Инжил амрларига риоя қилиш, бир-биримизга сабр ва риёсиз муҳаббат кўрсатиш орқали, энг аввало эса — Муқаддас Евхаристия Сирида Масиҳ билан бирлигимизни доимий равишда янгилаб бориш орқали қўлга киритилади ва тасдиқланади.

Бугун — умид байрами. Тинчлик байрами. Сокинлик ва шодлик байрами. Туғилган Нажоткорни мадҳ этиб, Уни гўзал қўшиқлар ва черков мадҳлари билан қарши олар эканмиз, *дунёга нур ва ерга туз бўлиш ҳақидаги улуғ насроний чақириқни* (Мт. 5:13–14) ёддан чиқармаслигимиз керак. Ва вақтимиз бор экан, *барчага, айниқса имонда бизга яқин бўлганларга яхшилик қилайлик*, (Ғал. 6:10).

Қайғуда қолганларга умид бағишлайлик, руҳи тушганларни тасалли бўлайлик, хурсандчилигимизни яқинларимиз ва узоқдагилар билан бўлишайлик, эҳтиёжмандларга ёрдам берайлик — шундай қилиш орқали биз ҳақиқатан ҳам *Худога хуш келадиган тутатқи назрининг ҳиди бўламиз* (2 Қор. 2:15) ва Туғилган Раббимизга мақбул инъомларни тақдим этамиз.

Кимки турли сабаблар туфайли ҳали ҳам Черковнинг нажоткор девори ташқарисида бўлиб, Масиҳ жамоасининг ҳаётида қатнашмай турган бўлса, уларга мурожаат қиламан: *Қалбингизни бизга бунчалик муҳаббат кўрсатган, ҳатто Ўзининг ягона Ўғлини берган Зотга очинглар — токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин* (Ин. 3:16).

Келинг, Раббимиз ва Нажоткоримизни инсон авлодига бўлган чексиз раҳмати ва муҳаббати учун ҳамд айтайлик ва Уни улуғлайлик.

Рождество байрами муносабати билан ҳаммангизни табриклар эканман, азизларим, сизларга куч-қувват ва Нажоткоримиз ҳақидаги туганмас шодликни тилайман. *Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин* (Еф. 1:2). Омин.

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

Масиҳ Рождествоси

2024/2025йил

Москва ш.